ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O‘zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№77 (1030)
2026 йил 8 сентябрь, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

Иссиқлик таъминоти тизимида – сунъий интеллект



Бугун сунъий интеллект барча соҳада қўлланилмоқда. Унинг кенг имкониятлари эса одамларга кўплаб ижобий натижалар, қулайлик ва енгилликлар олиб келаётгани рост. Эндиликда сунъий интеллект иссиқлик таъминоти тизимида ҳам қўлланилмоқда. Иссиқлик таъминотини сунъий интеллект асосида мониторинг қилиш орқали соҳа янада ривожланиб, аҳолига ҳам кўплаб қулайликлар яратилиши кўзда тутилган.

Райҳона ХЎЖАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугунги кунда мамлакатимизда марказлашган иссиқлик таъминоти тизимини комплекс модернизация қилиш, энергия ва ресурс тежамкор технологияларни кенг жорий этиш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу стратегик вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Иссиқликтаъминоти” АЖ томонидан хорижий етакчи компаниялар билан манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда.

Хусусан, “Иссиқликтаъминоти” АЖ ҳамда Корея Республикасининг коммунал ва ақлли бошқарув технологиялари соҳасидаги етакчи корхонаси ҳисобланган “Human Shift by Creative Meter Tech” (HSCMT) (Корея консорциуми) ўртасида имзоланган англашув меморандумига мувофиқ, томонлар иссиқлик таъминоти тизимига сунъий интеллект ва “ақлли” ўлчов ускуналарини жорий этиш бўйича йирик пилот лойиҳани амалга оширишга киришди.

“Иссиқликтаъминоти” АЖ марказий аппаратида мазкур ҳамкорликнинг муҳим амалий натижаси бўлган замонавий Иссиқлик таъминотини сунъий интеллект асосида мониторинг қилиш марказининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

2 →

Университет учун янги бино

Урганч давлат университетида замонавий типда барпо этилган янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди.





Очилиш маросимида Хоразм вилоятининг илм-фан, таълим, санъат ва маданият соҳаларининг таниқли вакиллари, университет илмий кенгаши аъзолари, фахрий устозлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Тантанали тадбирда Хоразм вилояти ҳокими Жўрабек Раҳимов сўзга чиқиб, мазкур бинонинг университет ҳаёти, таълим сифати, илмий салоҳият ҳамда ёшлар учун яратилаётган замонавий имкониятлардаги аҳамиятига алоҳида тўхталди. Университет жамоасини янги бино билан самимий муборакбод этди.

Янги ўқув биноси саккиз қаватдан иборат, 1800 ўринга мўлжалланган. Мазкур бино университетнинг 9-ўқув биноси бўлиб, унда “Интеллектуал илмлар ва технологиялар” факультети фаолият юритади.

Ўқув биноси талаба-ёшларнинг илғор технологиялар асосида билим ва амалий кўникмаларини ривожлантириш, замонавий IT йўналишларида сифатли таълим олиши, илмий-тадқиқот олиб бориши учун кенг имкониятлар яратади.

– Энг муҳими, янги таълим маскани замонавий ахборот технологиялари, компьютер илмлари ва I йўналишлари, хусусан, бинода жойлашган Сунъий интеллект лабораторияси асосида соҳада юқори малакали мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади, – деди университет ректори Феруза Мадраҳимова ЎзА мухбири Аҳмаджон Шокировга.

Бу масканда таълим оладиган ёшлар эртанги куннинг дастурчилари, муҳандислари, олимлари ва инноваторлари. Улар Янги Ўзбекистоннинг рақамли тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан янги ўқув йили арафасида фойдаланишга топширилган ушбу янги бино университет ҳаётидаги навбатдаги катта қадам, таълим ва илм-фан келажагига қўйилган мустаҳкам пойдевордир.

Ходимлар малакасини ошириш – профессионал ривожланишнинг мустаҳкам пойдевори

Бегзод АҲМАДКУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугунги кунда ҳар бир ташкилот фаолиятининг самарадорлиги, аввало, унда ишлаётган ходимларнинг билим ва салоҳиятига боғлиқ. Шу боис, ходимларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш профессионал ривожланишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассислар нафақат ўз ишини сифатли бажаради, балки ташкилотнинг умумий тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшади.



Хусусан, Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси тизимида ҳам кадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган изчил ишлар амалга оширилмоқда. 2025 йил давомида бош бошқарма ходимларининг муайян қисми республиканинг нуфузли таълим муассасалари ва онлайн платформалар орқали билим ва кўникмаларини мустаҳкамлади. Жумладан, 15 нафар ходим Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқарув академияси Гулистон филиалида таҳсил олиб, давлат бошқаруви, менежмент ва замонавий бошқарув услублари бўйича билимларини оширди.

Шунингдек, 53 нафар ходим my.argos.uz портали орқали турли йўналишлар бўйича ўқув курсларини муваффақиятли якунлаб, тегишли сертификатларга эга бўлди. Ушбу портал орқали олинган билимлар ходимларнинг касбий компетенциясини оширишга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, 3 нафар ходим Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида таҳсил олиб, давлат тилида ҳужжатларни юритиш бўйича сертификатларни қўлга киритди.

Малака оширишнинг яна бир муҳим жиҳати – жамоада соғлом рақобат муҳитини шакллантиришдир. Доимий ўқиб-ўрганишга интилган ходимлар ўз билимини янгилаб боришга ҳаракат қилади, бу эса бутун жамоанинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Натижада ташкилотда билимли, ташаббускор ва масъулиятли кадрлар сони ортади. Умуман олганда, ходимлар турли йўналишлар бўйича малака ошириб, ўз касбий салоҳиятини янада мустаҳкамлади. Бу эса бош бошқарма фаолиятида хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар даражасини янада яхшилашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ходимларнинг малакасини ошириш профессионал ривожланишнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб, ташкилот фаолиятининг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлайди. Бу жараён орқали нафақат алоҳида ходим, балки бутун жамоа тараққий этади. Шу боис, малака оширишга йўналтирилган тизимли ишлар ҳар бир ташкилот учун устувор вазифалардан бири бўлиб қолиши лозим.

uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today

Иссиқлик таъминоти тизимида сунъий интеллект

1



Меморандум шартлари, инвестиция ва техник параметрлар

Икки томонлама келишувга кўра, лойиҳанинг умумий қиймати 2 миллион 300 минг АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу маблағлар Жанубий Корея томонининг бегараз ва сармоявий ажратмалари ҳисобидан молиялаштирилиши кўзда тутилган. Яъни, бу Жанубий Корея томонининг тўғридан-тўғри инвестицияси ҳисобланади.

Меморандум шартларига мувофиқ, Корея Республикасининг HSCMT компанияси қуйидаги асосий вазифаларни бажаришни ўз зиммасига олди.

Хусусан:

– иссиқлик энергияси ва иссиқ сув таъминоти тизимлари учун юқори аниқликда ишловчи ультратовушли ҳисоблагичлар ва автоматик бошқарилувчи зулфинларни етказиб бериш ва ўрнатиш;

– тизим маълумотларини чуқур таҳлил қилувчи, иссиқлик исрофи ва авария ҳолатларини олдиндан башорат қилувчи AI дастурий мажмуасини интеграция қилиш;

– имзоланган келишув амал қиладиган 2 йил давомида тизимни узлуксиз техник қўллаб-қувватлаш, доимий мониторингни йўлга қўйиш ҳамда маҳаллий инженер-техник ходимлар учун малака ошириш ва ўқув тренингларини ташкил этиш.

Олиб борилган ўрганишлар ва пилот босқич

Лойиҳани пухта ва самарали ташкил этиш мақсадида HSCMT компаниясининг тажрибали мутахассислари Тошкент вилоятининг Олмалиқ, Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларидаги марказлашган иссиқлик таъминоти тизимлари ҳолатини жойига чиққан ҳолда ўрганиб чиқишди.

Тадқиқотлар давомида магистрал ва ички иссиқлик тармоқларининг жисмоний эскириш даражаси, гидрологик ва термик режимлар, шунингдек, мавжуд бошқарув ҳамда диспетчерлик механизмлари атрофлича таҳлил қилинди.

Шундан келиб чиқиб, қуйидаги амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди:

– сунъий интеллект асосида ишлайдиган тўлиқ “ақлли” бошқарув тизимини синовдан ўтказиш мақсадида асосий пилот ҳудуд сифатида Ангрен шаҳри танлаб олинди;

– Олмалиқ, Чирчиқ ва Ангрен шаҳрларида пилот лойиҳа доирасида 10 та йирик, замонавий ультратовушли иссиқ сув ҳисоблагич беғараз асосда ўрнатилди. Ушбу ускуналар реал вақт режимида маълумотларни марказга узатишни бошлади;

– синов тажрибалари муваффақиятли ўтгач, кейинчалик лойиҳани бутун республика бўйича жорий қилиш кўзда тутилган.

Лойиҳани амалга ошириш бўйича 2025 йилнинг ноябрь ойида музокаралар бошланган бўлиб, 2026 йилнинг апрель ойида “Иссиқликтаъминоти” АЖ ҳамда HSCMT компанияси ўртасида 2 миллион 300 минг АҚШ долларига тенг Англашув меморандуми имзоланди. Замонавий Марказий диспетчерлик пунктининг фойдаланишга топширилиши ва сунъий интеллект тизимларининг жорий этилиши иссиқлик таъминоти тизимини тўлиқ рақамлаштириш, ноқонуний уланишлар ва иссиқлик исрофини кескин камайтириш, шунингдек, соҳада шаффофлик ва иқтисодий самарадорликни таъминлашга хизмат қилади.

Тадбирда “Иссиқликтаъминоти” АЖ бошқаруви раиси Илҳом Тўраев сўзга чиқиб, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш ва рақамлаштириш борасидаги ишлар ҳақида тўхталиб ўтди. У ўз нутқида мазкур лойиҳа соҳада замонавий технологияларни жорий этиш, иссиқлик таъминоти жараёнларини янада самарали бошқариш ҳамда хизматлар сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Шунингдек, Жанубий Корея билан йўлга қўйилган ҳамкорликнинг аҳамияти, сунъий интеллект ва замонавий ўлчов технологияларидан фойдаланиш орқали тизим самарадорлигини ошириш имкониятлари қайд этилди.

Тадбирнинг амалий босқичида Иссиқлик таъминотини сунъий интеллект асосида мониторинг қилиш марказининг имкониятлари намойиш этилиб, марказ орқали иссиқлик таъминоти тизимини реал вақт режимида кузатиш, келиб тушаётган маълумотларни таҳлил қилиш, иссиқлик исрофи ва эҳтимолий авария ҳолатларини олдиндан аниқлаш имкониятлари кўрсатиб берилди. Шунингдек, Олмалиқ, Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларида пилот лойиҳа доирасида ўрнатилган замонавий ультратовушли ҳисоблагичлардан марказга маълумотларни узатиш жараёни ҳам кўрсатиб берилди.

Шунингдек, амалий босқич давомида янги технологияларнинг иссиқлик таъминоти тизими самарадорлиги ва шаффофлигини оширишдаги имкониятлари батафсил таништирилди. Эндиликда ушбу марказ орқали иссиқлик йўқотишларини камайтириш ва тизимдаги нуқсонларни барвақт аниқлаш, реал вақт (real-time) режимида тизимни марказлашган ҳолда назорат қилиш, авариялар нинг олдини олиш ва тармоқ барқарорлигини таъминлаш, энергия самарадорлигини ошириш ва соҳада шаффофликка эришиш кўзда тутилган.

Халққа қувонч улашиш – тадбиркорнинг олий мақсади



Инсон нимани орзу қилиб, унга астойдил интилса, албатта, эришиши мумкинлигини жиззахлик тадбиркор Бахтиёр Аҳмедов амалга оширган ишлар мисолида кўришимиз мумкин.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қаҳрамонимиз Жиззах политехника институтини тугатгач, қурилиш корхоналаридан бирида илк фаолиятини бошлаган кезлари бу касб ўзига хос нозиклигини, унинг ортида инсонлар ҳаёти туришини, ҳар қандай шароитда ҳам ишни пишиқ-пухта бажариш лозимлигини англаб етди. Иш фаолияти давомида объектлар учун тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларини мукаммал ўрганишга киришди.

У 1992 йилда “Озодлик” хусусий корхонасини ташкил қилгач, объектларни қуришда ўрганганлари асқатди. Етарли техникага эга бўлмаса ҳам дастлабки ишни маҳалласидаги йўлларни тартибга келтириш ва хонадонларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш билан бирга, аҳолига хизмат кўрсатувчи тармоқларни қуришга киришди. Қисқа вақт оралиғида аҳил жамоанинг меҳнати билан шаҳардаги 4 та маҳалла гузари ва 2 та мактаб, 2 та болалар боғчаси сифатли қуриб битказилди. Қурилиш материалларидан фойдаланганда уларнинг сифати билан бир қаторда тежамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратгани натижасида ортиқча харажатларнинг олди олиниб, корхона иқтисоди йил сайин юксалиб борди.

Кейинги йиллар оралиғида шаҳар ва туманлар ҳудудида бунёд этилган 100 дан ортиқ намунали уй, 50 та ишлаб чиқариш корхонаси, 20 та мактаб ва 24 та мактабгача таълим ташкилоти, Мирзачўл, Дўстлик, Пахтакор, Шароф Рашидов туманларидаги “Янги Ўзбекистон” массивларида 4 та кўп қаватли уй, Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида 2 та кўп қаватли ижтимоий объект, Тошкент вилоятида қад ростлаган ўнлаб кўп қаватли турар жойлар ва бир неча километрли йўллар, 22 та маҳалла маркази буюртмачиларнинг талаб ва истагига мос равишда қуриб, фойдаланишга топширилди.

Бугун юртимизнинг бошқа ҳудудлари каби Жиззах вилояти ҳам бунёдкорликлар туфайли янги қиёфага кирган. Эндиликда бу ерга келганлар янгиланиш ва ўзгаришларни кўриб, ҳайратга тушмоқда. Зеро, Жиззахнинг бугунги жамолини яратиш орқали халққа қувонч улашиш – тадбиркор Б. Аҳмедовнинг энг олий мақсадидир.

Фаолиятини тез-тез янгиликлар билан бойитишга одатланган тадбиркор қуриш ва таъмирлаш ишларидан ташқари, 2004 йилда “Agro Kvant” МЧЖни ташкил қилди. Бугунги кунда жамият аъзолари зарур техника ва технологиялар қувватидан самарали фойдаланган ҳолда, халқимиз ишончини оқлаб келмоқда.

Қурилиш-таъмирлаш ишларини кенг йўлга қўйган Бахтиёр Аҳмедов қурилишбоп материаллар ишлаб чиқариш соҳасига ҳам қизиқа бошлади. Айни пайтда корхона қошида ташкил этилган цехда бир неча турдаги қурилиш материаллари тайёрланиб, турли корхоналарга етказиб берилмоқда.

Давлат дастурлари асосида кўп қаватли турар жойлар, ижтимоий объектлар ва бошқа иншоотларни қуриш орқали ижтимоий инфратузилмани яхшилашга муносиб ҳисса қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган “Agro Kvant” МЧЖ ишчи-ходимларининг кейинги даврда олиб бораётган саъй-ҳаракатлари республика миқёсида оммалаштирилган. Бу борада корхона томонидан 2023–2026 йиллар мобайнида амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари айниқса, эътиборга лойиқдир.

Жумладан, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах филиали биносини қуриш, Фориш тумани тоғ полигонидаги ҳарбийлар учун ётоқхона ҳамда кузатув пункти, Мудофаа вазирлигига қарашли бир нечта объектлар, яъни, Тошкент шаҳридаги вазирлик биноларини таъмирлаш ҳамда қўшимча бинолар қуриш, Жиззах шаҳридаги “Олмачи” ҚФЙда жойлашган ҳарбий қисмда ўқув корпуси, Маънавият-маърифат маркази спорт зали бинолари, Тошкент шаҳар Олмазор тумани ҳудудида жойлашган “Ғалаба боғи”, Жиззах шаҳри аҳолиси учун 270 ўринга мўлжалланган кўп тармоқли замонавий тиббиёт бирлашмаси кластери, “Қуёшли” МФЙдаги ҳарбий қисм учун янги бино, ўндан ортиқ кўп қаватли уй-жой, бир нечта маҳалладаги ички йўлларни асфальтлаш каби қурилиш-монтаж ишлари ўз муддатида сифатли амалга оширилган.

Унинг юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлашда садоқат билан қилган меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Жумладан, 2017 йилда “Меҳнат шуҳрати” орденига сазовор бўлган. Жорий йилда эса Президентимизнинг “Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Бахтиёр Аҳмедов юксак мукофот – “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи” фахрий унвони билан тақдирланди.

– Бунёдкорлик қилиб, ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш орқали халқимизнинг ишончини оқлашимизда энг аввало, Шуҳратжон Комилов, Ўрал Маматқулов, Дилшод Шукуров, Баҳром Зокиров, Баҳром Қодиров, Шерзод Расулов, Акмал Аҳмедов каби фидойи ходимлардан миннатдорман. Уларнинг беминнат хизматлари туфайли корхонамиз шу даражага эришди. Юксак мукофотга лойиқ кўрилганим менга янада катта масъулият бағишлагани рост. Бундан кейин янада катта куч ва ғайрат билан ишлаб, халқимизга қулайлик яратишда давом этамиз.

Сурхондарё вилоятидаги “Дарбанд – Бойсун – Элбаён” автомобиль йўлининг цемент-бетон қопламали дастлабки босқичи фойдаланишга топширилди.

Сурхондарёда цемент-бетон қопламали йўл



Президентимиз 2023 йил 13 мартда Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида узунлиги 111 километр бўлган “Дарбанд – Бойсун – Элбаён” автомобиль йўлини қайта қуриш юзасидан тегишли топшириқларни берган эди.

Йирик лойиҳа учун ўтказилган тендер савдоларида қардош Озарбайжоннинг “Lankaran Yol Tikinti” акциядорлик жамияти ғолиб бўлди. Йўлнинг қарийб 108 километри цемент-бетон қоплама билан реконструкция қилинади.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида лойиҳанинг биринчи лоти доирасидаги 5-32,5 километрдаги йўл қисми қуриб битказилиб, ишга туширилди.

Курувчилар йўлга сифатли цемент-бетон қоплама ётқизиб, ҳудудда 7 та кўприк, тунги ёритиш тизими билан таъминланган 8 километр замонавий пиёдалар йўлагини барпо этди.

Йўлнинг тантанали очилиш маросими унинг 7,1 километрида жойлашган узунлиги 60 метр, эни 15,7 метр ва ер сатҳидан 9 метр баландликдаги йирик йўл ўтказгичда бўлиб ўтди. Йўлсозлар, нуронийлар, лойиҳа пудратчилари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов ва бошқалар истиқлол шарофати билан обод, озод ва фаровон юртда одамларнинг турмуш шароити тубдан яхшилаётгани ҳақида сўз юритди. Айниқса, кейинги йилларда сурхондарёликларнинг асрий орзулари амалга ошиб, воҳа қиёфаси тубдан ўзгариб бораётганлиги алоҳида эътироф этилди.

Қиймати 147,6 миллион долларлик замонавий кенг, равон йўлнинг илк босқичи фойдаланишга топширилиши аҳоли ва ҳаракат иштирокчилари учун қулай, хавфсиз транспорт қатновини таъминлашга хизмат қила бошлади, деб хабар қилади ЎзА мухбири Холмўмин Маматрайимов.

Тоғ ва адирликлардан ўтадиган йирик лойиҳани амалга ошириш чоғида йўлга мустаҳкам цемент-бетон қоплама ётқизилиб, 26 та кўприк, 2 та йўл ўтказгич, 114 та сув қувури, иккита автотранспорт воситаларининг вазн ва ҳажм параметрларини қайд этувчи назорат пости ҳам барпо этилади.

Боғча биноси янгиланди



Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Гулистон шаҳрининг Улуғ йўл маҳалласида жойлашган 20-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотининг 1987 йилда қурилган биноси Сирдарё вилояти инфратузилмасини яхшилаш бўйича қабул қилинган қарор асосида қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Мазкур давлат мактабгача таълим ташкилоти 330 ўринга мўлжалланган бўлиб, умумий қиймати 5,8 миллиард сўмлик маблағ ҳисобидан бино тўлиқ реконструкция қилинди. Бугунги кунда муассасада болажонларни сифатли мактабгача таълим ва тарбия билан қамраб олиш, уларнинг замонавий, хавфсиз ва қулай муҳитда билим олиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Тинчлик, бағрикенглик ва маърифат сари:
Биринчи халқаро ислом цивилизацияси форуми

Жамиятнинг цивилизацион тараққиёти ва барқарор келажаги кўп жиҳатдан халқнинг ўз маънавий илдизлари ва қадриятларига таяниши билан белгиланади. Бу борада сўнгги ўн йиллик – 2016–2026 йиллар Ўзбекистон учун чинакам янгиланишлар ва муҳим ислоҳотлар даври бўлди. Мазкур давр мобайнида мамлакатимизда диний-маърифий соҳада туб бурилишлар ясалиб, миллий-диний қадриятларимизни тиклаш ҳамда бой меросимизни чуқур ўрганиш йўлида мислсиз қадамлар ташланди.

Ойбек СОТВОЛДИЕВ,
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази бўлим бошлиғи.

Айнан шундай кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида амалга оширилган ишларнинг энг ёрқин намунаси – 2026 йил 7-11 июль кунлари Тошкент, Самарқанд ва Термиз шаҳарларида бўлиб ўтган “Ислом цивилизацияси: тинчлик, бағрикенглик ва илм-маърифат йўли” мавзусидаги I халқаро ислом цивилизацияси форуми бўлди.

Форум Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Дин ишлари бўйича қўмита, Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси ҳамда ICESCO – Ислом дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилди. Формуда 50 га яқин давлат ва 8 та халқаро ташкилотдан қарийб 300 нафар нуфузли меҳмон – жумладан, вазирлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, муфтийлар ва олий диний раҳбарлар, музей, кутубхона ва илмий марказлар директорлари, таниқли олимлар ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Форум Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган – ислом динининг илм-маърифат, бағрикенглик ва инсонпарварлик моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказишга қаратилган ташаббуснинг амалий натижаси бўлди. Форум иши 7-8 июль кунлари Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида бўлиб ўтди. 7 июль куни тантанали очилиш маросими бўлиб, тадбир иштирокчиларига Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаати ўқиб эшиттирилди. Мурожаатда бугунги дунёда илм-фан ва технологиялар соҳасидаги беқиёс тараққиётга қарамай, геосиёсий зиддиятлар, халқлар ўртасидаги ишончнинг сусайиши ва маданиятлараро тафовутларни чуқурлаштиришга қаратилган уринишлар кучайиб бораётгани таъкидланди ҳамда айнан шундай мураккаб даврда ислом қадриятлари каби эзгу ғоялар тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва маърифат учун энг мустаҳкам таянч бўлиб қолаётганига алоҳида урғу берилди.

Форум доирасида халқаро ҳамкорликни янги босқичга кўтарувчи бир қатор муҳим ҳужжат ва меморандумлар имзоланди. Хусусан, ICESCO билан ҳамкорликда Имом Бухорий халқаро мукофотини таъсис этиш тўғрисида келишиб олинди. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, ТУРКСОЙ ва Халқаро турк академияси ўртасида туркий халқлар меросини сунъий интеллект технологиялари асосида рақамлаштириш бўйича ҳамкорлик битими ҳамда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази билан Туркиянинг нуфузли ISAM маркази ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжатлар нафақат рамзий, балки амалий аҳамиятга эга бўлиб, келгусида қўлёзмаларни рақамлаштириш, қўшма тадқиқотлар ва илмий алмашинув дастурларини амалга оширишга йўл очиб берди.

9-10 июль кунлари форум тадбирлари Самарқанд ва Термиз шаҳарларида тўрт йирик халқаро илмий конференция шаклида давом этди: “Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асари – уммат китоби”, “Имом Мотуридий мероси: бағрикенглик, мўътадиллик ва ақл-идрок пойдевори”, “Ислом цивилизацияси ва замонавий дунё: мерос, мулоқот ва тараққиёт” ҳамда “Термиз ҳадис мактаби: алломалар мероси ва замонавий тадқиқотлар”. Мотуридийликка доир халқаро конференция доирасида Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг Халқаро илмий ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Ҳайъат таркиби янгиланиб, унга Кембриж университети профессори Рамон Ҳарвей, Анқара университети профессори Сўнмаз Кутлу каби дунё эътироф этган мотуридийшунос олимлар киритилди. Марказ томонидан хорижлик тадқиқотчилар ўртасида ўтказилган халқаро мотуридийлик танлови ғолиблари тантанали равишда тақдирланди. Шунингдек, Самарқандда барпо этилаётган Имом Мотуридий инновацион музейи концепцияси ҳам илк бор жамоатчиликка тақдим этилди.

Ўзбекистонда илк бор ўтказилган ушбу форум 100 га яқин маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситасида кенг ёритилди: 10 га яқин маҳаллий телерадиоканалда 200 га яқин репортаж тайёрланиб, тўғридан-тўғри эфирга узатилди, 50 га яқин веб-сайтда 800 дан ортиқ хабар ва мақола эълон қилинди. Халқаро “Euronews” нашри ва Россиянинг “Мир” телеканали эса алоҳида ҳужжатли фильмлар тайёрлади. IRCICA, ICESCO каби нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам ўз расмий сайтларида форумнинг халқаро аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, махсус мақолалар эълон қилди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, биринчи халқаро ислом цивилизацияси форуми сўнгги ўн йилликда Ўзбекистонда амалга оширилган диний-маърифий ислоҳотларнинг мантиқий давоми ва айни пайтда уларнинг халқаро миқёсдаги энг ёрқин намойиши бўлди. У Президентимиз томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс ғоясини амалий жиҳатдан бойитиб, мамлакатимизнинг тинчлик, бағрикенглик ва цивилизацияларо мулоқот масканига айланиб бораётганини яна бир бор тасдиқлади. Форум давомида қабул қилинган Декларация, тасдиқланган “Йўл харитаси” ва имзоланган халқаро битимлар – буларнинг барчаси келгусида давом этадиган узоқ муддатли ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдеворини яратди.

Мустақиллик йилларида эришилган бундай ютуқлар шундан далолат берадики, диний-маърифий соҳадаги очиқлик ва бағрикенглик сиёсати нафақат мамлакат ичкарисида, балки бутун дунё олимлари, диний арбоблари ва халқаро ташкилотлар томонидан ҳам муносиб эътироф этилмоқда. I халқаро ислом цивилизацияси форуми каби нуфузли анжуманларнинг мунтазам равишда ўтказилиши эса Ўзбекистоннинг келгусида ҳам тинчлик, ўзаро ишонч ва кенг кўламли илмий ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим таянч бўлиб хизмат қилишига қатъий ишонч уйғотади.

Технологияни биз бошқаряпмизми ёки у бизни?

Бир замонлар буюк алломалар биргина ҳақиқатни топиш учун бутун умрини бағишлаган. Улар юзлаб хатолар қилган, минглаб китобларни ўқиган, тунларини илм олиш билан ўтказган. Айнан шу машаққат улардан даҳоларни яратган. Бир пайтлар билим олиш учун кутубхоналарда соатлаб китоб варақлашга тўғри келарди. Янгиликлардан хабардор бўлиш учун газета ва журналлардан маълумотлар олинарди. Бир масаланинг жавобини топиш учун изланиш, хато қилиш, яна уриниб кўриш керак эди. Ана шу машаққат инсонни чиниқтирар, тафаккурини ўстирар эди.

Отабек ҚОБИЛОВ,
Чуст туманидаги Сероб маҳалласи ёшлар етакчиси.

Қачондир фақат илмий-фантастик асарларда учрайдиган сунъий интеллект бугун ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. У шифокорларга касалликларни аниқлашда, ўқитувчиларга таълимни самаралироқ ташкил этишда, фермерларга ҳосилдорликни оширишда ва оддий инсонларга кундалик юмушларини енгиллаштиришда ёрдам бермоқда.

Бу имкониятларни кўрар эканмиз, инсон тафаккурининг нақадар чексиз эканига яна бир бор амин бўламиз. Бугунги кунда эса оммалашиб бораётган сунъий интеллект ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. У бир неча сония ичида матн ёзади, масалаларни ечади, таржима қилади ва керакли маълумотни топиб беради. Бу имкониятлар инсон вақтини тежайди ва ишини енгиллаштиради.

Аммо ҳар қандай қулайликнинг иккинчи томони ҳам бўлади.

Сунъий интеллект – XXI асрнинг энг буюк ихтироларидан биридир. У миллионлаб инсонларнинг ҳаётини осонлаштирмоқда, илм-фан ривожига хизмат қилмоқда, янги имкониятлар эшигини очмоқда. Аммо унинг фойдаси ёки зарари технологиянинг ўзига эмас, ундан қандай фойдаланишимизга боғлиқ.

Бу, албатта, улкан ютуқ. Аммо энг оғриқли савол шуки: биз технологияни бошқаряпмизми ёки у бизни?

Инсон мияси ҳам машқни талаб қилади. Ҳар бир ечилган масала, ҳар бир ўқилган китоб, ҳар бир мустақил ёзилган сатр тафаккурни чархлайди. Агар бу вазифаларни бошқаларга топширсак, эртага мураккаб ҳаётий муаммолар қаршисида ожиз қолишимиз мумкин. Чунки сунъий интеллект жавоб бера олади, аммо инсоннинг ўрнига масъулиятни ҳис қилмайди, орзу қилолмайди ва келажакни бунёд этолмайди. Энг ачинарлиси шундаки, дангасалик аста-секин одатга айланади. Аввал бир вазифа учун ёрдам сўралади, кейин эса ҳар бир ишда тайёр ечим изланади. Натижада билим бордек кўринади, аммо у инсоннинг ўз меҳнати билан эгалланмаган бўлади. Пойдевори заиф бино қандай қуласа, меҳнатсиз олинган билим ҳам бир кун синов олдида бардош бера олмайди.

Сунъий интеллект – душман эмас. У инсоният яратган энг буюк ёрдамчилардан биридир. Аммо ёрдамчи ҳеч қачон эгасининг ўрнини босмаслиги керак. Технология бизнинг қанотимиз бўлсин, таянчимиз эмас. Чунки келажакни алгоритмлар эмас, мустақил фикрлайдиган, изланувчан ва масъулиятли инсонлар қуради.

Сунъий интеллект ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. У нафақат мураккаб ҳисоб-китобларни бажаради, балки матн ёзади, таржима қилади, дастур тузади, расм яратади ва турли муаммоларга ечим таклиф этади. Бу имкониятлар инсон меҳнатини енгиллаштиради, вақтни тежайди ва унумдорликни оширади. Бироқ шу ўринда муҳим бир савол туғилади: мен сунъий интеллектдан билимимни бойитиш учун фойдаланяпманми ёки меҳнатдан қочиш учунми?

Бу саволга жавоб ҳар бир инсоннинг ундан қандай мақсадда фойдаланишига боғлиқ. Агар сунъий интеллектни янги билимларни ўрганиш, тушунмаган мавзуларни соддароқ изоҳлаш, чет тилларини машқ қилиш, илмий манбаларни таҳлил қилиш ёки янги ғояларни ривожлантириш учун ишлатсак, у бизнинг энг фойдали ёрдамчимизга айланади. Бундай ёндашув инсоннинг фикрлаш доирасини кенгайтиради, мустақил изланишга ундайди ва билим олиш жараёнини самаралироқ қилади.

Лекин сунъий интеллектдан нотўғри фойдаланиш ҳам мумкин. Айрим ҳолларда одамлар уй вазифалари, рефератлар ёки иш топшириқларини ҳеч қандай ўйламасдан тўлиқ сунъий интеллект ёрдамида амалга оширмоқда. Бунинг оқибатида улар тайёр жавобни олади, аммо билимни эмас. Қисқа муддатда бу қулай туюлиши мумкин, аммо узоқ муддатда инсоннинг таҳлил қилиш, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ҳал қилиш қобилияти сустлашади. Чунки ҳақиқий билим тайёр жавобни ўқиш билан эмас, балки изланиш, хато қилиш, таҳлил қилиш ва хулосага келиш жараёнида шаклланади.

Сунъий интеллектни калькуляторга таққослаш мумкин. Калькулятор мураккаб ҳисоб-китобларни тез бажаради, аммо математикани ўрганиш ўрнига фақат натижани кўчириб олиш инсонни математик қилмайди. Худди шундай, сунъий интеллект ҳам фикрлаш ўрнини эмас, балки фикрлашни қўллаб-қувватловчи восита бўлиши керак, аслида.

Шахсан мен сунъий интеллектни меҳнатдан қочиш воситаси эмас, балки билим олиш ва ўз устимда ишлаш учун ёрдамчи сифатида кўришга интиламан. Мен ундан мавзуларни чуқурроқ тушуниш, янги ғояларни излаш, ёзган матнларимни таҳлил қилиш ва хатоларимни тузатишда фойдаланишни мақсад қилганман. Чунки ҳақиқий муваффақият тайёр жавобни олишда эмас, балки олинган билимни англаш ва уни амалда қўллай билишда намоён бўлади.

Сунъий интеллект бўйича қизиқарли фактлар ва рақамлар

2022 йил охирида оммага тақдим этилган сунъий интеллект – *ChatGPT* атиги 5 кун ичида 1 миллион фойдаланувчига етди. Бу, тарихдаги энг тез оммалашган рақамли хизматлардан бири ҳисобланади.

2025 йил бошига келиб, сунъий интеллектдан ҳафтасига 400 миллиондан ортиқ фаол фойдаланувчи фойдаланаётгани маълум қилинган. Бу, сунъий интеллект технологияларига бўлган қизиқишнинг қанчалик тез ўсаётганини кўрсатади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сунъий интеллектдан ёрдамчи восита сифатида фойдаланган одамлар кўпинча вазифаларни тезроқ бажаради. Бироқ ундан мустақил фикрлаш ўрнига тайёр жавоб олиш учун фойдаланиш ўрганиш самарадорлигини пасайтириши мумкин. Жаҳон Иқтисодий Форуми прогнозларига кўра, сунъий интеллект айрим касбларни ўзгартириши билан бирга, миллионлаб янги иш ўринларини яратилишига ҳам сабаб бўлади. Келажакда энг муҳим кўникмалардан бири – сунъий интеллект билан самарали ишлашни билишдир.

Мутахассислар сунъий интеллектдан самарали фойдаланишнинг “3 олтин қоидаси”ни тавсия этадилар:

– тайёр жавобни дарҳол қабул қилмаслик;

– олинган маълумотни ишончли манбаалар орқали текшириш;

– жавобни тушуниб, уни ўз фикри ва хулосалари билан бойитиш.

Хулоса қилиб айтганда, сунъий интеллектнинг фойдаси ёки зарари унинг ўзида эмас, балки ундан қандай фойдаланишимизда. Агар биз уни билим олиш, тафаккурни ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун ишлатсак, у келажагимиз учун катта имконият яратади. Аммо уни фақат меҳнатдан қочиш ва тайёр жавоб олиш воситаси сифатида кўрсак, энг катта йўқотиш вақт эмас, балки ўзимизнинг фикрлаш қобилиятимиз бўлади.

Сўнгги йилларда илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган ва шу билан бирга реал муаммони ҳал қилувчи лойиҳа устида ишлаётган ёш мутахассислар сони ортиб бормоқда. Нуршода Арамова ҳам ана шу тенденциянинг яққол намунасидир. У бир томондан иккита халқаро илмий журналнинг таҳририят аъзоси, иккинчи томондан эса Ўзбекистон кичик бизнеси учун мўлжалланган сунъий интеллект асосидаги маслаҳат платформаси бўлган “Hisobchi AI” лойиҳасининг муаллифи ва асосчисидир.



Hisobchi AI

илмий эътироф ва амалий ғоя натижаси

Диёра ТОШПЎЛАТОВА,
журналист.

Нуршода Арамова 2026 йил июнь ойида “Journal of Entrepreneurship and Pedagogy” журналининг таҳририят кенгаши аъзоси этиб тайинланган. Бу журнал Минтақавий тадқиқотлар илмий-амалий жамияти ҳомийлигида нашр этилади. Бир неча ой ўтиб, 2026 йил августда у яна бир халқаро нашр – “New Renaissance” илмий журналининг таҳририят аъзоси сифатида қабул қилинган. Таҳририят аъзолиги, одатда, бошқа муаллифлар томонидан тақдим этилган илмий мақолаларни кўриб чиқиш, уларнинг сифатини баҳолаш ва нашрга тавсия этиш мажбуриятини англатади. Яъни эндиликда у нафақат ўз тадқиқотларини чоп эттирувчи, балки бошқаларнинг илмий ишини баҳоловчи мутахассис сифатида ҳам фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг 2026 йил апрель ойидаги маълумотларига кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 1,2 миллиондан ортиқ фаол кичик бизнес субъекти (507 мингдан ортиқ кичик корхона ва микрофирма, 347,7 минг якка тартибдаги тадбиркор ва 353,5 минг деҳқон хўжалиги) рўйхатдан ўтган. Бироқ профессионал бухгалтерия ва маслаҳат хизматлари асосан, Тошкент шаҳри ва бир неча вилоят марказларида тўпланган. 2026 йилнинг ўзида ҚҚС бўйича рўйхатга олиш чегараси ўзгарди, соддалаштирилган 6 фоизлик ҚҚС режими жорий этилди. Шунингдек, Ижтимоий суғурта тўғрисидаги янги қонун кучга кирди – буларнинг барчаси бухгалтери йўқ тадбиркорлар учун тушуниш қийин бўлган қатор янги қарорларни келтириб чиқарди.

Шу сабабдан, “Hisobchi AI” айнан шу бўшлиқни тўлдиришга қаратилган бўлиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларида ишлайдиган сунъий интеллект чатботи орқали тадбиркорларга солиқ режимини танлашда, 1С:Enterprise 8.3 дастуридаги техник хатоларни бартараф этишда ва биринчи ходимни расмийлаштириш жараёнида (my.mehnat порталида рўйхатдан ўтиш, ижтимоий суғурта бўйича мажбуриятлар) босқичма-босқич ёрдам беришдан иборат. Лойиҳа Ўзбекистон аҳолисининг 85 фоизи фойдаланадиган Телеграм платформасидан бошлаб ишга туширилиши режалаштирилган. Бу янги илова ўрнатишни талаб қилмайдиган, тадбиркор аллақачон фойдаланадиган канал орқали мурожаат қилиш имконини беради.

Лойиҳанинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ҳам бир неча йўналишда кўриб чиқилган. Жумладан, расмийлаштирилмаган айланма ва солиқдан бўйин товлашнинг камайишига кўмаклашиш, биринчи марта ходим ёллаётган тадбиркорларни норасмий ишга олишдан асраш, шунингдек бухгалтерия ва солиқ саводхонлигини оширишдан иборат. Шунингдек, Н. Арамова Ўзбекистоннинг технология соҳасида ҳали эркак вакиллари устунлик қиладиган муҳитда аёл-асосчи сифатида ҳам алоҳида ўрин тутади.

Лойиҳанинг келгуси режалари тўрт босқичли амалга ошириш йўл харитасида белгиланган. Хусусан, дастлабки босқичда компанияни расмийлаштириш ва бепул Телеграм-бот ишга тушириш, сўнгра якка тартибдаги тадбиркорлар учун пуллик тарифни жорий этиш, кейинги босқичда 1С:Enterprise билан интеграциялашган бизнес-тариф ва ҳамкор бухгалтерия фирмалар билан B2B каналини йўлга қўйиш, якуний босқичда эса веб-илова ва минтақавий, жумладан, Хоразм, Сирдарё, Бухоро ва Навоий каби кичик бизнес зичлиги юқори бўлган ҳудудлар қамровини кенгайтириш назарда тутилган. Узоқ муддатли истиқболда лойиҳа Ўзбекистондаги бозорни мустаҳкамлагач, 1С:Enterprise тизими кенг қўлланиладиган қўшни мамлакатларга – жумладан, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга кенгайтириш имконияти ҳам кўриб чиқилмоқда, гарчи бу ҳозирча фақат истиқболдаги вариант сифатида қайд этилган бўлса ҳам.

Хулоса сифатида айтганда, илмий таҳририятдаги масъулият билан технологик тадбиркорликни бир вақтнинг ўзида олиб бора олган Нуршода Арамованинг фаолияти шуни кўрсатадики, бугунги ёш мутахассис учун назарий билим ва амалий натижа бир-бирига зид эмас, аксинча, бир-бирини тўлдирувчи икки кучдир.

Sun’iy intellektdan foydalanishda axborot xavfsizligi choralariga rioya qilish

Bugun sun’iy intellekt (SI) texnologiyalari davlat boshqaruvi, ta’lim, sog‘liqni saqlash, madaniyat, sanoat va xizmat ko‘rsatish sohalarida samaradorlikni oshirishning muhim vositasiga aylanmoqda. Matn yaratish, tarjima qilish, hujjatlarni tahlil qilish, dasturlash va ma’lumotlarni qayta ishlash kabi vazifalarni tezlashtirishi bilan birga, SI tizimlaridan noto‘g‘ri foydalanish axborot xavfsizligi, shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish va maxfiylik bilan bog‘liq xavflarni ham yuzaga keltiradi.

Shuhrat BEGMATOV,
Axborotlashtirish va telekommunikatsiyalar sohasida nazorat bo‘yicha davlat inspeksiyasi Axborot tizimi va resurslarini monitoring va nazorat qilish bo‘limi bosh mutaxassisi.

Bugungi kunda keng qo’llanilayotgan Sun’iy intellekt platformalarining aksariyat serverlari O‘zbekiston Respublikasi hududida joylashmagan. Bunday xizmatlardan foydalanilganda foydalanuvchi tomonidan kiritilgan ma’lumotlar xorijiy infratuzilma orqali qayta ishlanishi mumkin. Shu bois, davlat organlari, tashkilotlar va fuqarolar ma’lumotlarni bunday platformalarga kiritishda alohida ehtiyotkorlikka amal qilishlari zarur.

Asosiy xavflar

Sun’iy intellektdan foydalanishda maxfiy va shaxsiy ma’lumotlarning uchinchi tomon platformalariga uzatilishi, soxta matn, rasm va ovoz (deepfake) orqali aldov holatlari yuzaga kelishi hamda tekshirilmagan javoblarga asoslanib noto‘g‘ri qarorlar qabul qilinishi kabi xavflar mavjud.

Xavfsiz foydalanish bo‘yicha tavsiyalar

Sun’iy intellekt xizmatlaridan foydalanishda fuqarolarning shaxsiy ma’lumotlari, parollar, bank rekvizitlari yoki ichki axborot tizimlariga oid ma’lumotlarni ochiq platformalarga kiritmaslik tavsiya etiladi. Zarurat tug‘ilganda hujjatlardagi shaxsga oid ma’lumotlarni anonimlashtirish yoki tashkilotning ichki va korporativ Sun’iy intellekt yechimlaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Foydalanuvchi hisoblarini himoya qilish uchun murakkab parollardan foydalanish, ikki bosqichli autentifikatsiyani (2FA) yoqish hamda parollarni muntazam yangilab borish muhim ahamiyatga ega.

Sun’iy intellekt tomonidan taqdim etilgan ma’lumotlar har doim ham to‘liq yoki dolzarb bo‘lmasligi mumkin. Shu sababli olingan javoblarni rasmiy hujjatlar va ishonchli manbalar orqali tekshirish, muhim qarorlarni esa faqat SI javobiga asoslamaslik lozim. Shuningdek, sun’iy intellekt yordamida tayyorlangan soxta elektron xatlar, ovozli xabarlar va videolar tobora ko‘payib bormoqda. Noma’lum havolalarni ochmaslik, yuboruvchini tekshirish hamda shubhali audio yoki video materiallarni qo‘shimcha aloqa vositalari orqali tasdiqlash tavsiya etiladi.

Sun’iy intellekt xizmatini tanlashda ishlab chiquvchi kompaniyaning ishonchliligi, maxfiylik siyosati, ma’lumotlarni qayta ishlash shartlari va xavfsizlik mexanizmlariga alohida e’tibor qaratish zarur.

Bundan kelib chiqadiki, sun’iy intellekt zamonaviy ish jarayonlarini tezlashtirish, mehnat unumdorligini oshirish va kundalik vazifalarni samarali bajarishda foydali vosita hisoblanadi. Biroq undan foydalanishda axborot xavfsizligi talablariga qat’iy rioya qilish, ma’lumotlarni ochiq sun’iy intellekt platformalariga kiritmaslik hamda taqdim etilgan natijalarni ishonchli manbalar orqali tekshirib borish muhim ahamiyat kasb etadi.

Sun’iy intellekt imkoniyatlaridan ehtiyotkorlik va mas’uliyat bilan foydalanish orqali uni ish faoliyatimizni yanada samarali tashkil etishga xizmat qiladigan ishonchli yordamchi vositaga aylantirish mumkin.

Бошқарувда ташаббус ва масъулият – энг биринчи ўринда

Кўп қаватли уйларда яшаётган аҳолининг осойишта ва фаровон ҳаёти кўп жиҳатдан уй-жой фондини самарали бошқариш, умумий фойдаланишдаги ҳудудларни обод сақлаш ҳамда хизматларни сифатли ташкил этишга боғлиқ.

Темурбек ТУРОБОВ,
журналист.



Бу борада бошқарув сервис компанияларининг фаолияти тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аҳоли билан бевосита мулоқотда бўлиб, уларнинг мурожаат ва эҳтиёжларига тезкор муносабат билдириш, кўп қаватли уйларда қулай шароит яратиш бугунги кун бошқарув тизимининг асосий вазифаларидан биридир.

Навоий шаҳрида фаолият юритаётган “Navoiy Service Yordamchi” бошқарув сервис компанияси жамоаси ҳам ана шу масъулиятли вазифаларни сидқидилдан бажариб келмоқда. Компания фаолиятида аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, кўп қаватли уйларнинг умумий фойдаланишдаги жойларини обод ва соз ҳолатда сақлаш, замонавий ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда компанияда 10 нафар доимий ходим меҳнат қилади. Зарур ҳолатларда мавсумий ишчилар ҳам жалб этилиб, белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланмоқда. Аҳоли билан доимий алоқани йўлга қўйиш мақсадида компания ҳузурида 24 соат, 7 кунлик диспетчерлик хизмати ҳам ташкил этилган. Бу эса юзага келадиган масалаларга тезкор муносабат билдириш ва аҳолига янада қулайлик яратиш имконини бермоқда.

Компания томонидан кўп қаватли уйларнинг ташқи ва ички қиёфасини яхшилаш, аҳоли учун қулай муҳит яратиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, дастур доирасида иккита кўп қаватли уйнинг кириш йўлаклари компаниянинг ўз маблағлари ҳисобидан таъмирланди. Хусусан, Маҳмуд Таробий кўчасидаги 79- ва 79-Б-сонли кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари таъмирланиб, аҳоли учун янада қулай шароит яратилди.

Шунингдек, кўп қаватли уйларнинг кириш йўлакларига сенсорли, энергиятежамкор ёритиш чироқлари ўрнатилди. Бу нафақат ҳудудларнинг ёритилишини яхшилаш, балки энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишга ҳам хизмат қилмоқда. Уйлар атрофида ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, хавфсизликни таъминлаш мақсадида кузатув камералари ўрнатилди.

Айни пайтда компания жамоаси куз-қиш мавсумини пухта тайёргарлик билан кутиб олиш мақсадида ҳам изчил иш олиб бормоқда. Жумладан, Ғалаба шоҳ кўчасида жойлашган кўп қаватли уйларнинг иссиқлик тармоқларида модернизация ишлари амалга оширилмоқда. Бу ерда 60 метр иссиқлик қувури замонавий қувурларга алмаштирилмоқда. Иссиқликни хонадонларга тенг тақсимлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган элеватор ҳам замонавий ва чидамли ускуна билан алмаштирилмоқда.

Шунингдек, 120 метр қувурнинг 100 куб метрлик тизимга алмаштирилиши ва қўшимча элеватор ўрнатилиши режалаштирилган. Мазкур ишлар, аввало, аҳоли хонадонларида иссиқлик таъминоти барқарорлигини таъминлаш, тизимнинг самарадорлигини ошириш ва куз-қиш мавсумини комфорт шароитда ўтказишга хизмат қилади. Компаниянинг бугунги фаолиятида раҳбарлик ва бошқарув масаласи алоҳида ўрин тутади.

“Navoiy Service Yordamchi” бошқарув сервис компаниясининг раҳбари Мавжуда Иброҳимова. У Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университетини тамомлаган. Бир қанча муддат Навоий шаҳридаги Кадастр агентлиги тизимида иш олиб боргач, 2021 йилдан мазкур компания фаолиятини бошқариб келмоқда. Мавжуда Иброҳимованинг раҳбарлик фаолиятида жамоа билан аҳил ва ҳамжиҳат ишлаш, ходимларни қўллаб-қувватлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш муҳим тамойиллардан ҳисобланади.

Зеро, ҳар қандай ташкилотда иш самарадорлиги, аввало, жамоадаги ўзаро ҳурмат, масъулият ва ҳамжиҳатликка боғлиқ. Раҳбарнинг ходимлар меҳнатини муносиб қадрлаши эса уларни янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундайди. Аёл раҳбар сифатида Мавжуда Иброҳимованинг мазкур соҳадаги фаолияти ҳам эътиборга лойиқ. Бошқарувда масъулият, ташкилотчилик ва мулоқот маданиятини уйғунлаштирган ҳолда иш олиб бораётган раҳбар компаниянинг барқарор фаолиятини таъминлаш, жамоани бир мақсад атрофида бирлаштириш ва аҳоли ишончини мустаҳкамлашга интилмоқда.

Бугун “Navoiy Service Yordamchi” бошқарув сервис компанияси жамоаси учун асосий мезон – аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва кўп қаватли уйларда муносиб яшаш шароитини яратиш. Обод кириш йўлаклари, замонавий ёритиш тизимлари, кузатув камералари, янгиланаётган иссиқлик тармоқлари ва 24 соатлик диспетчерлик хизмати ана шу мақсаднинг амалий ифодасидир.

Энг муҳими, компания фаолиятидан аҳолининг розилиги жамоа меҳнатига берилган муносиб баҳодир. Бу эса жамоани янги ташаббусларга, хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга ва кўп қаватли уйларда яшовчилар учун янада қулай муҳит яратишга ундайди.

Зеро, уй-жойни бошқариш – шунчаки техник хизмат кўрсатиш эмас, балки инсонлар яшайдиган муҳитга ғамхўрлик қилиш, уларнинг осойишталиги ва фаровонлигига хизмат қилишдир. “Navoiy Service Yordamchi” бошқарув сервис компанияси жамоаси ҳам ана шу эзгу мақсад йўлида ўз фаолиятини изчил давом эттирмоқда.



Электрон чиқиндилар – хавфли моддалар ва қимматли ресурслар

Бугун электрон қурилмалар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Телефон, компьютер, телевизор, музлаткич, кир ювиш машинаси ва бошқа маиший техника воситалари кундалик юмушларимизни анча енгиллаштириб, вақтимизни тежашга хизмат қилмоқда. Алоқа, таълим, иш, дам олиш ва ҳатто оддий маиший вазифаларни ҳам бугун электрон қурилмаларсиз тасаввур қилиш қийин. Технологиялар ривожлангани сари бундай воситаларга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бироқ ҳар қандай электрон қурилманинг хизмат муддати бор. Вақти келиб, у ишдан чиқади, эскиради ёки янги, замонавий қурилма билан алмаштирилади. Ана шу пайтда кўпчилик бир савол ўйлантирса керак: эски қурилмани қаерга ва қандай ташлаш лозим?

Чунки электрон қурилмалар оддий чиқиндилардан фарқ қилади. Ишлатилмай қолган телефон, компьютер ёки бошқа техника воситаларини оддий маиший чиқиндилар билан бирга ташлаб юбориш тўғри эмас. Сабаби – уларнинг таркибида атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган айрим моддалар билан бир қаторда, қайта ишлаб, яна фойдаланса бўладиган қимматли материаллар ҳам мавжуд.

Шунинг учун электрон чиқиндиларга фақат кераксиз буюм сифатида қараш керак эмас. Уларнинг нотўғри ташланиши тупроқ, сув ва ҳавога салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Аксинча, тўғри йиғиш ва қайта ишлаш орқали эса улар таркибидаги айрим материалларни яна ишлаб чиқариш жараёнига қайтариш мумкин.

Демак, эски электрон қурилма – бир томондан, атроф-муҳит учун эҳтимолий хавф бўлса, иккинчи томондан, қайта фойдаланиш мумкин бўлган қимматли ресурсдир. Масаланинг муҳим жиҳати ҳам шунда: биз уни чиқинди сифатида ташлаймизми ёки қайта ишлаш орқали унга яна “иккинчи ҳаёт” берамизми?

Эски техника нега хавфли?

Кўпчилигимиз уйимизда ишламай қолган телефон, компьютер, телевизор ёки бошқа техника воситаларини “бирор кун керак бўлиб қолар” деган ниятда сақлаймиз. Бироқ вақт ўтиши билан улардан фойдаланиш эҳтимоли ҳам камайиб, эски қурилмалар хонадондаги кераксиз буюмлар қаторига қўшилади. Шунда энг осон йўл уларни оддий чиқинди қутисига ташлаб юборишдек кўринади.

Масалан, электрон қурилма оддий чиқинди полигонига ташланса, вақт ўтиши билан унинг айрим қисмлари емирилади ва таркибидаги зарарли моддалар ташқи муҳитга чиқиши мумкин. Ёғингарчилик натижасида бу моддалар тупроққа сингиб, кейинчалик ер ости сувларига етиб бориши эҳтимоли бор. Оқибатда тупроқ ва сувнинг ифлосланиши юзага келади. Бундай ифлосланиш эса табиатга бир кунда эмас, балки узоқ вақт давомида таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса, эски батарея ва аккумуляторларга алоҳида эътибор зарур. Уларни оддий чиқиндиларга қўшиб ташлаш ёки очиқ жойда қолдириш жоиз эмас. Чунки улар таркибидаги айрим моддалар тупроқ ва сувга аралашиши мумкин. Бундан ташқари, электрон қурилмаларни очиқ жойда ёқиш ҳам муаммони ҳал қилмайди. Аксинча, бундай ҳолатда ҳавога зарарли тутун ва турли моддалар тарқалиши мумкин.

Шунинг учун эски электрон қурилмаларни оддий чиқиндидан алоҳида сақлаш, имкони бўлса, махсус қабул қилиш ва қайта ишлаш тизимига топшириш – атроф-муҳитни асраш йўлидаги муҳим қадамдир. Зеро, электрон чиқиндининг тўғри бошқарилиши нафақат бугун, балки келажак авлодлар учун ҳам муҳим. Бугун ташланган битта қурилманинг оқибати кўзга кўринмаслиги мумкин, аммо унинг табиатга таъсири узоқ йиллар давом этиши эҳтимоли бор.

Қайта фойдаланиш мумкин бўлган бойлик



Электрон чиқиндиларнинг яна бир муҳим жиҳати бор. Улар фақат зарарли моддалардан иборат эмас Уларнинг таркибида қайта ишлаб, яна фойдаланиш мумкин бўлган қимматли материаллар ҳам мавжуд. Демак, тўғри йиғилган электрон чиқинди бир томондан табиатни асрашга хизмат қилса, иккинчи томондан иқтисодиёт учун керакли ресурсга айланиши мумкин. Масалан, электрон қурилмалар таркибида мис, алюминий ва темир каби металлар учрайди. Айрим қурилмаларда эса олтин ва кумуш сингари қимматли металлар ҳам мавжуд. Агар эски техника воситалари оддий чиқиндига аралаштирилмасдан, алоҳида йиғилса ва махсус корхоналарда қайта ишланса, улар таркибидаги фойдали материалларни ажратиб олиш мумкин.

Бу жараённинг аҳамияти шундаки, қайта ишланган материаллар саноатда яна хомашё сифатида қўлланилади. Натижада табиатдан янги хомашё олишга бўлган эҳтиёж қисқаради. Шу билан бирга, чиқинди полигонларига тушадиган электрон чиқиндилар миқдори ҳам камаяди. Масаланинг иқтисодий томони ҳам эътиборга лойиқ. Кеча биз учун кераксиз бўлиб қолган телефон ёки компьютернинг айрим қисмлари бугун саноат учун қимматли хомашё бўлиши мумкин. Яъни чиқинди деб қаралаётган буюмнинг ўзида ҳам маълум қиймат сақланиб қолади. Уни тўғри ажратиб олиш ва қайта ишлаш эса ана шу қийматни яна иқтисодий айланмага қайтариш имконини беради.

Шу боис электрон чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлашни фақат экологик муаммони ҳал қилиш воситаси сифатида эмас, балки иқтисодий имконият сифатида ҳам баҳолаш зарур. Бунинг учун, аввало, аҳоли ўртасида электрон чиқиндиларни алоҳида йиғиш маданиятини шакллантириш муҳим.

Ёшларга ибрат бўлаётган меъмор

Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлар кенгаши аъзоси Ромил Усманаев 1946 йил 1 майда Самарқанд туманида таваллуд топган. 1969 йили Тошкент политехника институтининг архитектура мутахассислиги бўйича ўқишни тамомлаб, ўз иш фаолиятини Самарқанд шаҳрида очилган республика “Узгоспроект” лойиҳа ташкилотининг филиалида бошлаган.

Шерзод НИЗАМОВ,
Архитектура ва қурилиш соҳаси Фахрийлар кенгаши раиси ёрдамчиси.

Шу даврда “Узгоспроект” лойиҳа ташкилоти ўз номини “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ”га ўзгартириб, 2003 йилгача фаолият юритган. Шу йилларда Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида қатор ижтимоий ва жамоат биноларини лойиҳалашда фаол қатнашган. Хусусан, Самарқанд шаҳри “Согдиана” ва “Сартепа” мавзеларидаги қатор микрорайонлар, жамоат бинолари ҳамда шаҳар марказини ободонлаштириш жараёнларига катта ҳисса қўшган.

1976 йилда Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган Ромил Усманаев Самарқанд вилояти Меъморлар уюшмаси бўлимининг масъул котиби лавозимида ҳам фаолият юритиб, кўплаб жамоат ишларини олиб борди.

Қурилиш-бунёдкорлик соҳасида 54 йиллик иш тажрибасига эга малакали мутахассис 2003 дан ҳозирга қадар Самарқанд вилоятидаги “Me’mor qurilish loyiha” МЧЖда устахона бошлиғи, бош архитектор каби масъулиятли вазифаларни бажарган. Бугунги кунда ушбу ташкилотда бош муҳандис лавозимида ишлаб келмоқда.

Ўтган даврлар мобайнида унинг иштирокида Самарқанд шаҳридаги “Олимпия” ва “Динамо” стадионлари реконструкцияси, Самарқанд вилояти Ички ишлар бўлими Вазиятлар маркази, Самарқанд шаҳридаги Туризм маркази институти, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Сержантлар таркибини тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази, Самарқанд тиббиёт институти биноси, Регистон майдони реконструкцияси каби давлат миқёсидаги муҳим аҳамиятга эга кўплаб иншоотлар кўркам қиёфага кирган. Шунингдек, ўтган йилларда Самарқанд вилояти ва шаҳарларида қатор лицей ва коллеж, туман



марказларидаги коттежлар лойиҳаларини яратишга ҳам ўз ҳиссасини қўшган.

Ромил Усманаев ўз меҳнат фаолияти давомида ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги ва масъулияти билан жамоадошларига намуна, ҳамкасблари ва шогирдларига ибрат бўлган. У сўнгги йиллар мобайнида жамиятда юксак ижтимоий маънавий муҳитни шакллантириш ва жамоат ишларини амалга ошириш борасида ҳам намуна кўрсатиб келмоқда.

Тажрибаси кенг, билимдон, малакали, меҳнатсевар, намунали ва энг муҳими, ўз касбини севадиган фахрий устозга биз ҳам соғлик-саломатлик ва муваффақият тилаймиз.

Устоз-шогирд анъанаси асосида амалий машғулот ўтказилди

Ҳаётда “Устоз отангдек улуғ”, “Бир ҳарф ўргатганга қирқ йил салом бер” ибораларининг жуда ҳам тўғри айтилганлигининг кўп гувоҳи бўламиз. Чунки олийгоҳда олган назарий билимларимизни амалиётда татбиқ этишда кўпни кўрган, ишда ҳам, ҳаётда ҳам анча тажрибага эга инсонларнинг маслаҳат ва ўгитлари асқатади.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.



Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясида яхши йўлга қўйилган. Хусусан, ҳудудий назорат қилиш инспекцияси раҳбари ўринбосари Лепесбай Зарликов кўп йиллар давомида қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат йўналишида инспектор сифатида орттирган бой тажрибаси асосида ёш инспекторлар учун бевосита қурилиш объектида амалий машғулот ўтказди.

Машғулот давомида қурилиш жараёнларини назорат қилишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва баҳолаш, шунингдек, назорат ишларини самарали ташкил этиш масалалари амалий мисоллар асосида тушунтирилди. Машғулот жараёнида ёш инспекторлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олиб, қурилиш объектларида назоратни амалга ошириш бўйича зарур тавсиялар олдилар.

Тажрибали мутахассиснинг амалий фаолияти ёш ходимлар учун муҳим тажриба мактаби бўлиб хизмат қилди.

Устоз-шогирд анъанасининг бундай амалий кўриниши ёш мутахассисларнинг касбий салоҳиятини ошириш, тажрибани изчил давом эттириш ҳамда соҳада малакали кадрлар сафини кенгайтиришга хизмат қилади.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 8 – 10 сентябрь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Пудрат бозори ҳамда тендер, рейтинг ва буюртмачи тизимини ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси **Дурдона Раҳимова,**

“O‘zbekiston bunyodkori” ижтимоий-иқтисодий газетаси мусаҳҳиҳи **Марҳамат Мусулмонқулова,**

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Йўл ва ҳудудларни муҳандислик лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўлими лойиҳа бош муҳандиси **Жасур Ҳашимов,** Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-устахонаси муҳандиси **Хушвақт Хушназаров,** 5-устахонаси архитектори **Суҳроб Маликов,**

Қашқадарё вилояти Нишон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Дилшод Ҳалилов,**

“Иссиқликтаъминоти” АЖ Иссиқлик таъминоти тизимларини эксплуатация қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Ҳусан Якубов,** Андижон вилояти филиали аҳоли ва жисмоний шахслар мурожаати билан ишлаш бўлим бошлиғи **Ойбек Мамажонов,** Бухоро вилояти филиали аҳоли бўлими бошлиғи ёрдамчиси **Нигора Саидова,** 1-бўлим қозонхона оператори **Бозор Эргашев,** Самарқанд вилояти филиали моддий-техник таъминот бўйича бош мутахассиси **Баҳодир Хидиров,** Навоий вилояти филиали йўл қурилиш машиналари ва тракторларни таъмирлаш бўйича чиланғари **Илҳом Арзиқулов,** Тошкент вилояти Тошкент тумани филиали қозонхонага хизмат кўрсатиш бўйича чиланғар **Кудратила Халтаев,** Қибрай тумани филиали 3-сонли қозонхона қоровули **Баҳодир Ўрмонов,** Нуробод тумани филиали катта назоратчи-ҳисобга олувчиси **Матлуба Қўчқорова,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Кўп квартирали уйларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва зилзилабардошлигини мониторинг қилиш шўъбаси бош мутахассиси **Азизбек Маҳмадулаев,**

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги “Kvart-Ta’Mir-Servis” УЖМШ бош директори **Марина Линова**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O‘zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

Таҳрир ҳайъати:
Шерзод Ҳидоятов (Таҳрир ҳайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
“ЎзГАШКЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 90-612-78-80.
Жиззах вилояти: 91-568-77-48.
Қашқадарё вилояти: 94-642-50-53.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-850-80-22.
Фарғона вилояти: 99-363-39-37.
Хоразм вилояти: 99-967-48-30.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 941.
1241 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎзА якуни – Топширилди – 23.00.

“Khorezm Invest Project” МЧЖ

ДИРЕКТОРИ ЛАВОЗИМИГА

танлов эълон қилинади!

Номзод олий маълумотли, инвестиция, банк, молия ва иқтисодиёт соҳаларида камида 10 йиллик тажрибага эга, давлат тилини ва рус тилини мукаммал билиши ҳамда корпоратив бошқарув тизимини яхши ўзлаштирган бўлиши керак.

Ҳужжатларни қабул қилиш 10 сентябрдан 1 октябргача давом этади.

Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, А. Герман кўчаси, 22-уй.

Телефонлар: 99-560-10-92, 62-223-17-79.

Эл. почта: kurbonovfahriddin819@gmail.com

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2026 йил 13 мартдаги 4-1504-2501/8348-сонли ишининг ҳал қилув қарорига асосан банкрот, деб эътироф этилган “Фар Кухинур” ф/х суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 3 сентябрдаги 524-сонли алоқа хатига асосан қуйидаги бино ва иншоотлар электрон-онлайн савдога қўйилмоқда:

Фарғона вилояти Ёзёвон тумани, “Соййони” МФЙ, Шаршара кўчаси, 4-“А” уй ҳудудида жойлашган “Фар Кухинур” ф/хга тегишли бўлган **ер майдони** – 2 500,0 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 70,0 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 54,20 квадрат метр, **кадастр рақами:** 15:05:03:03:02:0273 бўлган молхона ҳамда ишчилар дам олиш бино ва иншоотлари. **Бошланғич баҳоси** – 238 382 143,00 сўм.

Аукцион савдо 2026 йил 9 октябрь куни online-mulk.uz платформасида бўлиб ўтади. **Аризаларни рўйхатдан ўтказиш муддати:** 2026 йил 8 октябрь куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги мулклар 2026 йил 9 октябрь куни сотилмаган тақдирда, кредиторларнинг йиғилиш қарорига асосан 15 кунлик қисқартирилган кун билан такрорий савдоларга қўйиб борилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00 гача.

Талабгорлар юқоридаги мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига электрон-онлайн аукцион савдода рўйхатдан ўтиб тўлашлари лозим: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Савдо ташкилотчиси жойлашган манзил: Фарғона вилояти Фарғона шаҳар, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй.

Телефон: 94-130-17-33, 90-775-80-02, 90-407-07-62.